

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020. PED.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАРАЖАБОВА ЗУЛФИЯ НАРБОЕВНА**

**АДАБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА  
ЗАИФ ЭШИТУВЧИ ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.03 – Махсус педагогика**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

# Докторлик (DSc) Диссертацияси автореферати мундарижаси

## Оглавление автореферата докторской диссертации

### Content of the abstract of doctoral dissertation

<b>Мамаражабова Зулфия Нарбоевна</b> Адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантириш .....	3
<b>Мамаражабова Зулфия Нарбоевна</b> Развитие речи слабослышащих учеников в процессе литературного обучения .....	30
<b>Мамаражабова Зулфия Нарбоевна</b> Technology of Speech Development for Children with Hearing Impairments in the Process of Literary Training .....	62
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	66

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020. PED.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАРАЖАБОВА ЗУЛФИЯ НАРБОЕВНА**

**АДАБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА  
ЗАИФ ЭШИТУВЧИ ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.03 – Махсус педагогика**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Педагогика фанлари доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.DSc/ Ped 87 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида резюме) веб-саҳифанинг [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Абдуллаева Барно Сайфутдиновна</b> педагогика фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ҳақимова Муҳаббат Файзиевна</b> педагогика фанлари доктори, профессор <b>Матчанов Сапо</b> педагогика фанлари доктори, профессор <b>Бегматов Абдулла Сирожиддинович</b> фалсафа фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Жиззах давлат педагогика институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «19» август соат 11. 00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+998) 71-276-80-86; факс: (+998) 71- 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz))

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_) рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+998) 71-276-80-86; факс: (+998) 71- 276-76-51.

Диссертация автореферати 2020 йил «15» август куни тарқатилди.  
2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси.

**Р.Х.Джураев**  
Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

**Р.Г.Исянов**  
Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент.

**Л.Р.Муминова**  
Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д.

## **КИРИШ (фан доктори (Dsc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда миқёсида БМТнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида» Конвенцияси, «Ногиронлар ҳуқуқлари ҳақида»ги Декларациялари ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳаётга эрта уйғунлашуви муаммосини ҳал қилиш, замонавий махсус таълимни мазмунини янгилаш, инновацион ғояларнинг татбиқ этилишига асос бўлмоқда<sup>1</sup>. Бу борада заиф эшитувчи ўқувчилар бадий сўзни идрок этиш, асар мазмунини мустақил ижодий баён этиш малакасини ривожлантириш, библиографик малака, кўникмаларни эгаллашни такомиллаштириш, адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантириш тизими, коррекцион ёндашувни кучайтириш, китобхонлик ва адабий-ижодий фаолиятни шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи болалар нутқини ривожлантириш, бўлажак сурдопедагогларни касбий-педагогик тайёргарлигини ривожлантиришнинг дидактик тузилмасини такомиллаштириш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи болалар нутқини ривожлантиришнинг самарали ёндашувларини аниқлаш, амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, эшитишида нуқсонли бўлган ўқувчиларни барча фуқаролар билан тенг имкониятларга эга бўлишини таъминлаш, уларнинг турмуш фаолиятидаги чекланишларини бартараф этиш, тўлақонли ҳаёт кечиришларига, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий турмушида фаол қатнашиш заруриятини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Мамлакатимизда ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларни тўлақонли таълим олиши, соғлом инсонлар қаторида жамиятга уйғунлашиб, ижтимоий ҳаётда мослашиб кетишининг меъёрий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “...аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш”<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар белгиланди. Бунда эшитишда нуқсонли бўлган шахсларни оғзаки нутқини мулоқот қуроли сифатида ривожлантириш орқали уларни маънавий етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлод сифатида тарбиялаб вояга етказиш муҳим аҳамият касб

<sup>1</sup> Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 May 2015, Incheon, Republic of Korea).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017, 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ 4947-сон, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон, 2017 йил 1 августдаги «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5006-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Эшитишда нуқсонли бўлган болалар нутқини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, National Institute on Deafness and Other Communication Disorders, Gallaudet University (Вашингтон, АҚШ), ENS Lyon, ENS Paris-Saclay, Rennes Ens (Франция), HU Berlin Humboldt (Германия), Interkantonale Hochschule für Heilpädagogik Zurich (Цюрих, Швейцария), Максим Танк номидаги Беларус давлат педагогика университети, М.А.Шолохов номидаги Москва давлат ижтимоий фанлар университети, Қозоқ миллий аёллар университетида олиб борилмоқда.

Ихтисослаштирилган таълим асосида ташкил этилган умумий ўрта таълим жараёнида болаларни нутқини ривожлантириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижалар олинган: эшитишда нуқсонли бўлган болалар мулоқот кўникмаларини шакллантириш услубияти коррекцион ёндашувни кучайтириш, адабий-ижодий фаолият, лойиҳалаш технологияларини комплекс интеграцияси асосида такомиллаштирилган (University of California, San Diego); имо-ишорали, дактиль, сўзлашув нутқ асосида эшитишда нуқсонли бўлган ўқувчиларнинг ўқув фанлари бўйича билим, малака ва кўникмалари шакллантирилган (Interkantonale Hochschule für Heilpädagogik, Zurich); сурдопедагог-ўқитувчи касбий фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий-тузилмали модели иш берувчилар талаблари

---

<sup>3</sup> Мазкур қисмни ёзишда қуйидаги манбаларга асосландилди: <https://www.nidcd.nih.gov/> (National Institute on Deafness and Other Communication Disorders), <https://www.gallaudet.edu/> (Gallaudet University, Washington), <http://www.ens-lyon.fr/> (ENS Lyon), <http://www.concours.ens-paris-saclay.fr/> (ENS Paris-Saclay), <http://www.ens-rennes.fr/> (Rennes Ens), <http://www.hu-berlin.de/de/> (HU Berlin Humboldt), <https://www.hfh.ch/de/> (Interkantonale Hochschule für Heilpädagogik Zurich), <https://mggu-sh.ru/> (М.А.Шолохов номидаги Москва давлат ижтимоий фанлар университети), <https://iio.bspu.by/institute-of-inclusive-education/> (Максим Танк номидаги Беларус давлат педагогика университети), <http://www.kaznpu.kz/> (Қозоқ миллий аёллар университети), <http://new.tdpu.uz/> (Тошкент давлат педагогика университети).

асосида такомиллаштирилган (Gallaudet University, Washington); адабий таълим бўйича ўқув дастурлари таълимнинг коммуникация, нутқий амалиётини максимал даражада бойитиш, ўқитишнинг вазият билан боғлиқлиги, нутқ ва тафаккурни ўстиришнинг бирлиги, эшитиш эҳтиёжини шакллантириш ва талаффузга ўргатиш бирлиги каби махсус тамойиллари асосида амалиётга жорий этилган (ENS Paris-Saclay, Cachan); махсус таълим жараёнида эшитишда нуқсонли бўлган болалар нутқини ривожланганлик даражасини ташхис этиш механизмларини такомиллаштирилган (Humboldt-Universität zu Berlin); бошланғич синф заиф эшитувчи ўқувчиларида ўқиш компетентлиги ва адабий таҳлил кўникмалари инновацион ёндашув асосида такомиллаштирилган (Москва давлат университети, Череповец давлат педагогика университети); ўқувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш моделини рефлексив-коммуникатив методлар, нутқий акцелерация ва кластер, рақамли таҳлил ҳамда адаптив вариация ёндашувларининг ўзаро уйғунлашуви асосида такомиллаштирилган (Тошкент давлат педагогика университети).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида сурдопедагог тайёрловчи етакчи илмий марказларда қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: эшитишда нуқсонли бўлган ўқувчиларни бадиий матнни тушуниш, унинг мазмунини англаш ва идрок этишнинг методик таъминотини ишлаб чиқиш; эшитишда нуқсонли бўлган ўқувчиларни бадиий-эстетик тафаккур тарбиясини бадиий жанрлар орқали такомиллаштириш, китобхонлик ва адабий-ижодий фаолиятини шакллантириш, адабий таҳлил малакаларини инновацион ёндашув асосида ривожлантириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Умумтаълим мактаб ўқувчиларининг сўз бойлигини ошириш, нутқий малакаларини ўстиришнинг илмий-методик асосларини Ғ.Азизов, Т.У.Зиядова, Коенов Шамуэл, Г.М.Ахмедова, М.Б.Мирмақсудова, А.Қ.Нисанбаева, Ш.Ш.Юлдашева томонидан тадқиқ этилган<sup>4</sup>. Умумтаълим мактабида адабий таълимнинг илмий-методик асослари, ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва ривожлантириш, адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларда адабий назарий тушунчаларни шакллантириш ва такомиллаштириш масалалари Ф.Бадриев, Қ.Йўлдошев, С.Матжонов, У.М.Марасулова, М.Мирқосимова, Р.Х.Ниёзметова, Қ.П.Хусанбаеванинг илмий ишларида тадқиқот объектлари бўлган<sup>5</sup>. М.Ю.Аюпова, Ш.Арипова,

---

<sup>4</sup> Азизов Ғ. Ўзбек мактабларининг 5-синф она тили дарсларида ўқувчилар нутқини синонимлар билан бойитиш методикаси: Фил. фан. канд. ...дисс. – Т., 1968. – 317 б.; Зиядова Т.У. Она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш: Фил. фан. канд. ...дисс. – Т., 1968. – 317 б.; Коенов Шамуэль Баён ёзишга ўргатиш системаси ва ўзбек мактабларида бошланғич синф ўқувчилари нутқини ўстириш масалалари: Фил. фан. канд. ...дисс. – Т., 1973. – 175 б.; Ахмедова Г. М. Ўзбек тили дарсларида ўқувчилар нутқини ясама сўзлари билан бойитишнинг методик асослари: Фил. фан. канд. ...дисс. – Т., 2003. – 175 б.; Мирмақсудова М.Б. Ўқувчилар нутқини такомиллаштиришда грамматик терминлардан фойдаланишнинг лингвометодик асослари: Фил. фан. канд. ...дисс. – Т., 2004. – 175 б.; Нисанбаева А.Қ. Ўзбек тили дарсларида матн воситасида ўқувчилар нутқини ўстиришнинг методик асослари: Фил. фан. канд. ...дисс. – Т., 2008. – 175 б.; Юлдашева Ш.Ш. Давлат тили таълимида ўқувчилар нутқий малакаларини ўстиришнинг илмий-методик асослари: Фил. фан. канд. ...дисс. – Т., 2008. – 175 б.

<sup>5</sup> Бадриев Ф. Ўзбек мактабларининг юқори синфларида адабиётдан синфдан ташқари ўқишни ташкил қилишнинг тур ва методлари: Фил. фан. канд. ...дисс. – Т., 1969. – 175 б.; Мирқосимова М.М. Ўқувчиларда

Л.Р.Муминова, Х.М.Пулатова, Н.Х.Рахмонкулова томонидан нутқида нуқсонли бўлган болаларнинг нутқий камчиликларини бартараф этиш, нутқий фаолият фаоллиги ва луғат бойлигини ошириш, В.С.Рахмонова, Н.Мусаева, Д.А.Нуркелдиева, Р.Ш.Шомахмудова, М.П.Хамидова, М.Ф.Хакимова томонидан ақли заиф болаларни она тилига ўргатиш, луғат бойлигини шакллантириш, мактабга нутқий тайёрлаш, касб-хунарга ўргатиш, Н.З.Абидова томонидан кўзи ожиз болаларни нутқини ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган<sup>6</sup>. Махсус мактаб ўқувчиларини саводга ўргатиш, сўзлашув нутқини ва эшитиш идрокини шакллантириш ва ривожлантириш, бўлажак сурдопедагогларда касбий ижодкорликни ривожлантириш технологиясининг илмий-назарий, методик асослари ўзбек сурдопедагог олимлардан Ф.Д.Алимходжаева, Н.Ш.Бекмуродов, Х.М.Гайнутдинов, Д.А.Назарова, Р.Р.Рустамова, У.Ю.Файзиева, Ф.У.Қодирова, Д.Б.Якубжановаларнинг илмий ишларида методик жиҳатдан таҳлил этилган<sup>7</sup>.

---

адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари :Фил. фан. док. ...дисс. – Т., 1995.; Йўлдошев Қ. Умумтаълим мактабларида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш: Фил. фан. док. ...дисс. – Т., 1997.; Матжонов С. Янгича педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий- методик асослари: Фил. фан. док. ...дисс. – Т., 1999.;Хусанбаева Қ.П. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: Фил. фан. док. ...дисс. – Т., 2004.; Ниёзметова Р. Х.Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганишнинг назарий ва методик асослари: Фил. фан. док. ...дисс. – Т., 2007.; Марасулова У.Н. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида адабий назарий тушунчаларни шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари: Фил. фан. канд. ...дисс. – Т., 2007

<sup>6</sup> Аюпова М.Ю. Преодоление фонетико-фонематической недостаточности у детей старшего дошкольного возраста (на материале узбекского языка): Автореф. дис. ...канд.пед.наук. – М.: МГПУ. 1992.– 16 с.; Ш.Арипова Болалар нутқини грамматик қурилишини шакллантириш ва ривожлантиришда коррекцион- педагогик иш тизими Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2017. Муминова Л.Р. Теоретические основы коррекционно- педагогической работы по преодолению речевого недоразвития у детей дошкольного возраста.: Автореф. дис. ... д-ра пед.наук. – Ташкент: им.Низами. 1992. – 39 с. ; Пулатова Х.М. Активизация речевой деятельности дошкольного возраста с общим недоразвитием речи.: Автореф. дис... пед. наук.– Ташкент: ТГПИ.1994.–22 с.;Рахмонкулова Н.Х. Формирование нравственных взаимоотношений заикающихся детей младшего школьного возраста со сверстниками.- Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. – Т.: 1994. -20 с.;-24 б; Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2017.; Рахмонова В.С. Особенности обучения грамоте на родном языке учащихся узбекской вспомогательной школы: Автореф. дисс.... канд. пед. наук. – М.: 1985. - 18 с.; Н.Мусаева Ақли заиф ўқувчиларда вербал ва невербал мулоқотга киришиш кўникмаларини таълим жараёнида ривожлантириш Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2018.; Нуркелдиева Д.А. Методы определения речевой готовности умственно отсталых детей к обучению в школе.: Автореф. дис. ...канд.пед. наук.– Ташкент: ТГПИ им.Низами.2001. – 21 с.; Шомахмудова Р. Система коррекционно-педагогической работы по развитию русской речи умственно отсталых учащихся 2-3 класса (с узбекским языком обучения): Автореф. канд.пед.наук. – М.: МГПУ. 1991.– 16 с.; Хамидова М. П. Основы коррекционно-педагогической работы по обогащению словарного запаса умственно отсталых детей дошкольного возраста.: Автореф. дис...канд. пед. наук. – Ташкент: ТГПИ. 2001.– 20 с.; Хакимова М.Ф. Махсус муҳтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашнинг педагогик асослари(ақли заиф ўқувчилар мисолида): пед. фан. док. ...дисс автореф.-Т., 2010.-41 б.;Абидова Н.З Кўришда нуқсонли бўлган болаларнинг нутқида камчиликларни бартараф этиш технологиялари Пед.фан.номз. ... дисс. автореферати. - Т.: 2017. - 20.

<sup>7</sup>Алимхўжаева Ф.Ж. Заиф эшитувчи болалар эшитиш қобилиятини ривожлантиришда дидактик материаллардан фойдаланиш: Фил. фан. канд. ...дисс. –М., 1992.; Бекмуродов Н.Ш. Влияние жаркого климата на работоспособность учащихся школ глухих. : Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М.: НИИД АПН. 1989. – 17 с.; Гайнутдинов Х.М. Профорориентационная и социальная адаптация выпускников школ глухих в условиях Узбекистана.: Автореф. дис...ка пед. наук. – М.: НИИД АПН. 1990. – 18 с. Назарова Д.А. Мактабгача ёшдаги заиф эшитувчи болалар нутқини ривожлантириш: Фил. фан. канд. ...дисс. – Т., 2006.; Рустамова Р.Бошланғич синфларда заиф эшитувчи ўқувчилар нутқининг грамматик қурилишини шакллантириш Пед. фан. номз. дис. ... автореф. – Тошкент: ТДПИ. 2009. 28 б.;Файзиева У.Ю. Заиф эшитувчиларни саводга тайёрлаш ва савод ўргатиш: Фил. фан. канд. ...дисс. – Т., 1994. – 18 б.; Ф.У Қодирова. Бошланғич синф қар ва заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини шакллантириш: Фил. фан. канд. ...дисс. – Т., 2009. – 20 б.; Д.Б.Якубжанова Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантириш технологияси Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2017.-24 б.

МДХ давлатлари олимларидан И.Г.Багрова, Р.М.Боскис, Л.М.Быкова, И.М.Гилевич, А.Г.Зикеев, С.А.Зыков, Т.А.Зыкова, И.В.Колтуненко, К.В.Комаров, К.Г.Коровин, Б.Д.Корсунская, Е.П.Кузьмичева, Е.А.Малхасьян, Л.П.Носкова, К.И.Туджанова, Ф.Ф.Рау, Л.Г.Парамонова, Н.Д.Шматко, Е.З.Яхнина ишларида кар ва заиф эшитувчи болаларнинг нутқини ривожлантириш, луғат бойлигини ошириш, нутқнинг грамматик тизимини шакллантириш масалалари ўрганилган<sup>8</sup>. М.И.Никитина, Е.Л.Гончарова, О.А.Красильникова каби олимларнинг илмий ишларида кар ва заиф эшитувчи болаларни ўқиш малакасини шакллантириш, ўқиш компетентлигини ошириш масаласи тадқиқ этилган<sup>9</sup>.

Хорижий тадқиқотлар тажрибасида эшитишда нуқсонли бўлган ўқувчиларнинг таълими ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш масаласи Н-Dirksen L.Bauman, Carol Padden, Tom Humphries, M.Marschark, Harry G.Lang, John Albertini, Thomas Arnold, Kristin Snoddon, Henry Walter, Edward Klopping, Dr Sarah Collinson, Daniel Ling тадқиқотларида ўз ифодасини топган<sup>10</sup>.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мос равишда «Ногирон болаларни тарбиялашда оила, боғча, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини таъминлашнинг илмий-методик асослари» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ихтисослаштирилган мактабда адабий таълимни ташкил этишнинг илмий-назарий асослари, методик талаблари, педагогик омиллари ва дидактик хусусиятларини аниқлаш;

адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқининг ривожланганлик мезонлари даражасини аниқлаш;

---

<sup>8</sup> Кузьминова С.А. Коррекционная работа по совершенствованию произносительной стороны речи неслышащих старшеклассников 13.00.03 - коррекционная педагогика (сурдопедагогика) Диссертация ... канд.пед. наук -Москва 2010 -128.с.

<sup>9</sup> Никитина М.И. Психолого-педагогические основы совершенствования литературного образования слабослышащих школьников. Диссертация ... д-ра пед. наук. — Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1983.-333; Гончарова Е.Л. Методики оценки сформированности базовых компонентов читательской деятельности у детей с различными нарушениями в развитии // Дефектология. - 2001. - № 3 - с. 81 — 95.; Красильникова О.А. Литературное развитие слабослышащих школьников в процессе начального обучения Диссертация ... д-ра пед. наук. — Санкт-Петербург: 2010.-333 с.

<sup>10</sup> Н-Dirksen L. Bauman. Open Your Eyes: Deaf Studies Talking. U of Minnesota Press, 30 нояб. 2013 г. - Всего страниц: 360; Carol PADDEN, Tom Humphries, Carol Padden. Inside Deaf Culture. Harvard University Press, 30 июн. 2009 г. - Всего страниц: 208; M. Marschark, Harry G.Lang, John Albertini- Educating deaf students - Oxford University Press, 2006, 303p; Thomas Arnold A method of teaching the deaf and dumb speech, lip-reading, and language – London , 2010. 234p; Kristin Snoddon - American sign language and early literacy - Gallaudet University Press , 2012. 189p; Henry Walter Edward Klopping Language understanding of deaf students under three auditory-visual stimulus conditions — The University of Arizona, Arizona USA , 2012. 275 p.; Dr Sarah Collinson. Early years language and development in deaf children – a best evidence scoping review Synthesis of key findings. National Sensory Impairment Partnership journal. November 2017, NDCS; DanielLing. Speech development in hearing-impaired children. Journal of Communication Disorders, Volume 11, Issues 2–3, April 1978, Pages 119-124.

сурдопедагоглар амалий коррекцион фаолияти асосида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқининг ривожлантиришнинг дидактик ва методик таъминотини таҳлил қилиш;

адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқининг ривожлантиришнинг коррекцион-педагогик модели ва технологиясини ишлаб чиқиш;

педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳридаги Олмазор тумани 106-сон, Андижон вилояти Хўжабод туманидаги, Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги 2-сон заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатнинг 310 нафар 1-5 синф ўқувчилари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантириш мазмуни, метод, шакл ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар).

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи болалар нутқининг ривожланганлик мезонлари (бадий асарни идрок қилиш, ўқиган асарлари ҳақидаги фикрларини оғзаки нутқ воситасида баён этиш, библиографик билим, малакаларни эгаллаш, китобхонлик ва адабий-ижодий фаолият мотивлари даражаси) педагогик кўрсаткичлар асосида диагностик ва мажмуавий ёндашувлар орқали аниқлаштирилган;

бошланғич синф заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантиришнинг методик таъминоти интеграциялашган алоқалар (нутқни ривожлантириш, тасвирий фаолият, атроф-олам билан танишув, эшитув идрокини ривожлантириш, талаффузга ўргатиш) ва лойиҳалаш босқичлари (матнларнинг қиёсий таҳлили, қўлбола китоб нашри, фотоальбом, ишчи дафтар тайёрлаш) фаолиятли-компетенциявий ёндашув орқали такомиллашган;

адабий таълим жанрлари бўйича компетенция қоидалари орқали инновацион ёндашув асосида 1-5 синф заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантиришнинг дидактик таъминоти ишлаб чиқилган;

китобхонлик ва адабий-ижодий фаолиятини шакллантириш орқали мақсадли, мазмунли, фаолиятли ва баҳолаш-натижавий компонентлар бўйича адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантиришнинг коррекцион-педагогик модели такомиллаштирилган;

адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантириш технологияси оғзаки баён қилиш босқичлари (тайёрлов, таълим берувчи, мустақил фикр-мулоҳазалар юритиш) шахсга йўналтирилган ёндашув орқали такомиллашган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

адабий таълим жараёнида эшитишда нуқсони бўлган болалар нутқини ривожлантиришнинг дидактик таъминоти ишлаб чиқилган;

ихтисослаштирилган мактабнинг 1-5 синф ўқувчилар учун «Ўқиш» фанидан давлат талаблари, ўқув дастури, «Ихтисослаштирилган мактабнинг 1-5 синфларда ўқишга ўргатиш ва нутқни ривожлантириш» ўқув-услубий мажмуаси ишлаб чиқилган, 3-5 синфлар учун «Нутқ ўстириш», «Табиатшунослик», «Она тили» дарсликлари, «Махсус мактабда адабий таълим ва нутқни ўстиришга инновацион ёндашув» ва «Кохлеар имплантантли эшитиш мосламалари ўрнатилган заиф эшитувчи болаларнинг эшитув-нутқий реабилитацияси» услубий қўлланмалари нашр этилган;

“5111900 – Дефектология” бакалавриат таълим йўналиши учун “Махсус педагогика”, “Табиатшунослик ўқитиш махсус методикаси”, “Она тили ўқитиш махсус методикаси”, “Сурдопедагогика” дарсликлари ҳамда “Махсус психология”, “Она тили ўқитиш махсус методикаси”, “Сурдопедагогика”, “5111900 – Сурдопедагогика” магистратура мутахассислиги учун “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмалари нашр этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** билиш назарияси методологияси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги; тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адабий таълим жараёнида эшитишда нуқсони бўлган болалар нутқини ривожлантиришнинг психологик-педагогик ва касбий-педагогик омиллари, эшитишда нуқсони бўлган болалар нутқини ривожланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари, дидактик хусусиятлари ўрганилганлиги, эшитишда нуқсони бўлган болалар нутқини ривожлантиришга йўналтирилган модель ва технологиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагогика олий таълим муассасаларида “Дефектология” таълим йўналиши бўйича умумкасбий ва ихтисослик фанларнинг дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурлари ва имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернетларнинг дарслиklarини ишлаб чиқишда адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқининг ривожлантиришнинг коррекцион-

педагогик модели ва технологиясидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Адабий таълим жараёнида эшитишда нуқсони бўлган болалар нутқини ривожлантириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

педагогик кўрсаткичлар асосида диагностик ва мажмуавий ёндашувлар орқали аниқлаштирилган адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи болалар нутқининг ривожланганлик мезонлари (бадий асарни идрок қилиш, ўқиган асарлари ҳақидаги фикрларини оғзаки нутқ воситасида баён этиш, библиографик билим, малакаларни эгаллаш, китобхонлик ва адабий-ижодий фаолият мотивлари даражаси)га оид таклифлардан ИТД-1-62 рақамли “Ногирон болаларни тарбиялашда оила, боғча, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 июлдаги 89-03-2433-сон маълумотномаси). Натижада, сурдопедагог-мутахассислар адабий таълим жараёнини методик ташкил этиш ҳамда ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш механизмлари такомиллаштирилган;

интеграциялашган алоқалар (нутқни ривожлантириш, тасвирий фаолият, атроф-олам билан танишув, эшитув идрокини ривожлантириш, талаффузга ўргатиш) ва лойиҳалаш босқичлари (матнларни қиёсий таҳлили, қўлбола китоб наشري, фотоальбом, ишчи дафтар тайёрлаш) фаолиятли-компетенциявий ёндашув орқали такомиллашган бошланғич синф заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантиришнинг методик таъминотида оид таклифлардан “Дефектология” таълим йўналиши талабалари учун “Махсус педагогика (сурдопедагогика)”, “Табиатшуносликни ўқитиш махсус методикаси” дарсликларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сон буйруғи, 892-005 рақамли гувоҳнома ҳамда 2014 йил 9 июндаги 220-сон буйруғи, 220-008 рақамли гувоҳнома). Натижада, адабий таълим жараёнида бадий сўзни идрок этиш, асар мазмунини мустақил ижодий баён этиш малакалари ривожлантирилган;

адабий таълим бўйича компетенция қоидалари орқали инновацион ёндашув асосида ишлаб чиқилган 1-5 синф заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантиришнинг дидактик таъминотидан 3-синф “Она тили” (Халқ таълими вазирлиги РТМ Махсус ва инклюзив таълим бўлимининг 2018 йил 2-сонли ИМК қарори), 5-синф “Нутқ ўстириш”, “Табиатшунослик” дарсликларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлиги РТМ Махсус ва инклюзив таълим бўлимининг 2016 йил 2-сонли ИМК қарори). Натижада, заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантириш коррекцион-педагогик иш тизимини ривожлантиришга имкон яратилган;

китобхонлик ва адабий-ижодий фаолиятни шакллантириш орқали мақсадли, мазмунли, фаолиятли ва баҳолаш-натижавий компонентлар бўйича ишлаб чиқилган адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар

нутқининг ривожлантиришнинг коррекцион-педагогик моделидан ИТД-1-61-рақамли “Дефектология таълим йўналиши бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлаш жараёнига замонавий таълим моделлари таъсирини тадқиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 июлдаги 89-03-2433-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак сурдопедагог-ўқитувчилар методик тайёргарлик жараёнлари такомиллаштирилган;

оғзаки баён қилиш босқичлари (тайёрлов, таълим берувчи, мустақил фикр-мулоҳазалар юритиш) шахсга йўналтирилган ёндашув орқали такомиллашган адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантириш технологиясига оид таклифлардан ИТД-1-62 рақамли “Ногирон болаларни тарбиялашда оила, боғча мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 июлдаги 89-03-2433-сон маълумотномаси). Натижада, эшитишда нуқсонли бўлган болалар нутқини ривожланганлик даражасини аниқлаш ва коррекциялаш имкониятлари ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 76 та илмий иш чоп этилган, 1 та монография, 12 та дарслик, 2 та электрон дарслик, 4 та ўқув қўлланма, 2 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларини асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 мақола, шундан, 21 та мақола республика ва 2 мақола хорижий журналларда, ҳамда 1 та мақола SCOPUSда индексланган хорижий журналда нашр этилган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 266 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантириш назарий асослари” деб номланган биринчи бобда ихтисослаштирилган мактабда адабий таълимни ташкил этишнинг илмий-назарий асослари, адабий таълим жараёнида эшитишида нуқсонли бўлган болалар нутқини ривожлантиришнинг педагогик омиллари, адабий таълим жараёнида эшитишида нуқсонли бўлган болалар нутқини ривожлантиришнинг дидактик хусусиятлари таҳлиллари баён қилинган.

Адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчиларни нутқини ривожлантириш муаммосига комплекс кўп жиҳатли ёндашув адабий таълимнинг полифункционал (кўп вазифали) моҳиятини ҳисобга олиш, бадиий асарни тизимли яхлитлик сифатида қараш ва бадиий идрок жараёнини ўқувчиларнинг тасавури, эмоциялари, фикрлаши ва нутқига таъсир қилувчи мураккаб жараён сифатида тушунишни талаб қилади (1-расмга қаранг):



**1-расм. Адабий таълим жараёни компонентлари.**

Адабий таълимда бола томонидан бадиий матни идрок этиш таълим босқичлари давомида бадиий асардан эстетик хузурланиш даражасига ўтади, шунда бола гўзалликни чуқур тушунувчи, унда баҳра олувчи инсон бўлиб тарбияланади. Бадиий асарларга эстетик баҳо беришда ўқувчи ўз руҳияти ва ҳиссиётлари, луғат бойлигига таянади.

Д.Қуроновиқнинг эътирофи: «бадиий коммуникациянинг яқунловчи босқичи – асарнинг ўқилиши ва уқилиши ҳам том маънодаги иждодий жараёндиқ. Ўқувчининг диққат эътибори асар бадиий воқелигининг реал воқеликка нечоғли мослигига эмас, унинг замиридаги маънога қаратилиши лозим». М.П.Воюшина, С.А.Кислинская, О.А.Красильникованин г илмий ёндашувларида адабий таълим жараёнида асарни идрок қилишни уни оғзаки баён қилиш малакасини билан узвий ҳолда ривожлантириш, болаларнинг иждодий ишларида намоён бўладиган нутқий ривожланиш даражаси, библиографик билим ва малакаларга эгалик даражаси, китобхонлик ва адабий-

ижодий фаолиятнинг мотивациясини ривожлантириш лозимлиги ҳақидаги ғоялари илгари сурилади. В.И.Флери махсус таълим тизимида мутолаага асосий ўринлардан бирини ажратади, у кар-соқовни такомиллаштиради, унинг мантикий тафаккурини ривожлантиради, деб таъкидлайди. А.Ф.Остроградский ва Н.М.Лаговский адабий таълим кар бола нутқини ривожлантириш ва ўз-ўзига таълим бериш, тарбиялашнинг воситаси, деб ҳисоблайди.

Адабий таълим ўзига хос эстетик муҳит таркибига кирувчи бадий матн, бадий сўз санъати мазмунида намоён бўлади, ўқувчини адабий таълим орқали инсон муносабатлари, маънавий қадриятлари оламига киритади, эркин ва мустақил фикрли шахс сифатида шакллантиради. Адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчиларни нутқини ривожлантириш ўқувчи шахсининг хотира, тафаккур, тасаввур, ҳиссиёт каби психик жараёнлар ташкил этадиган матни идрок этиш ва мустақил баён қилиш қобилиятлари ривожланиши билан боғлиқ эстетик ва ақлий ривожланишининг узвий қисми сифатида қарашга имкон беради. Илмий-назарий манбаларни таҳлили адабий таълим жараёнида нутқни ривожлантириш матни идрок этиш, мустақил ижодий фикр яратиш, библиографик билим, малака, кўникмалар даражасини ривожлантиришни кўзда тутувчи яхлит жараён сифатида кўриб чиқилиши зарурлигини далиллади.

Диссертациянинг **“Адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчиларнинг нутқини ривожланганлик хусусиятларини ўрганиш”** деб номланган иккинчи бобида адабий таълим жараёнида 1-5 синф заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ўрганиш бадий асарни идрок этиш, ўқилган асарни оғзаки баён этиш, библиографик билим, малакаларни эгаллаши, китобхонлик ва адабий-ижодий фаолият мотивациясининг англаш хусусиятларини комплекс ташхис қилиш асосида амалга оширилган.

Адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожланганлик мезонларлари (юқори, ўрта, паст, ўта паст) даражалари ишлаб чиқилди ҳамда сифат ва миқдор статистик методлари асосида натижалари таҳлил қилиниб, умумлаштирилди.

Тошкент шаҳридаги Олмазор тумани 106-сон ихтисослаштирилган мактабнинг 137 нафар, Андижон вилояти Хўжабод туманидаги ихтисослаштирилган мактабнинг 97 нафар, Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги 2-сон заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатнинг 76 нафар жами 310 нафар 1-5 синф ўқувчилари тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилди. Эшитиш қобилиятига кўра улар халқаро таснифга мувофиқ қуйидаги гуруҳларга (ўқувчилар ҳужжатлар йиғма жилдидаги маълумотларга кўра) бўлинди: эшитиш пасайишининг I даражаси - 58 ўқувчи; эшитиш пасайишининг II даражаси - 84 ўқувчи; эшитиш пасайишининг III даражаси - 100 ўқувчи; эшитиш пасайишининг IV даражаси - 67 ўқувчи.

Нутқ ўстириш (луғат бойлиги, нутқни грамматик расмийлаштириш, уни тушуниш, фикрларини оғзаки шаклда боғланишли баён қилиш) бўйича Л.П.Назарова ишлаб чиққан мезонларга таянган ҳолда синалувчиларнинг нутқий ривожланишининг қуйидаги даражалари аниқланди: оптимал даража - 36 ўқувчи; пасайган даража - 112 ўқувчи; чекланган даража - 103 ўқувчи;

кескин чекланган даража - 58 ўқувчи. 1-5 синф ўқувчиларини адабий таълим жараёнида нутқини ривожланганлик хусусиятларни ўрганиш мақсадида тажриба синфлари ташкил этилди. Адабий таълим жараёнида 1-5 синф заиф эшитувчи ўқувчиларни нутқини ривожланиш даражаларини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари қуйидаги кўринишда умумлаштирилди (1-жадвалга қаранг):

**1-жадвал.**

**Таълимий тажриба-синов жараёнида 1-5 синф заиф эшитувчи ўқувчиларни нутқини ривожланганлик кўрсаткичлари (n-310)**

Таъкидловчи тажриба-синов синфлари	Мезонлар	Юқори даража		Ўрта даража		Паст даража		Ўта паст даража	
		нафар	фоиз	нафар	фоиз	нафар	фоиз	нафар	фоиз
	Бадиий асарни идрок қилиш даражаси	-	-	16	49	49	152	35	109
	Ўқилган асар бўйича оғзаки нутқ воситасида фикр баён этиш даражаси	-	-	8	25	46	141	46	144
	Библиографик компетентлик	-	-	2	7	70	215	28	88

Таъкидловчи тадқиқот натижалари кўрсатдики, 1-5 синф ўқувчиларда адабий таълимда нутқий ривожланишнинг I (юқори) даражаси кўрсаткичи аниқланмаган. II (ўрта) даражаси кўрсаткичлари кам ифодаланган. III (паст) ва IV (ўта паст) адабий ривожланиш даражасининг устунлик қилиши таълим натижаларининг пастлиги ҳақида хулоса қилишга асос бўлди. Адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчиларни китобхонлик ва адабий-ижодий мотивациясини англашини ўрганиш назарий асосларга мувофиқ тарзда амалга оширилди. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларда китобхонлик фаолият мотивацияси баҳосини англаш учун мотивлар жадвали таклиф қилинди. Маълумотларни қайта ишлашда маълум мотивга ишоралар сони ҳисобга олинди (2-жадвалга қаранг):

**2-жадвал.**

**Адабий таълим жараёнида 1-5 синф заиф эшитувчи ўқувчиларни китобхонлик фаолияти мотивациялари тизимида турли мотивларнинг мақомига кўра ўрни (n-310)**

№	Мотивлар	Кўрсаткич	Кўрсаткичлар сони (%)	Мақомига кўра ўрни
1.	Топ шахсий	34-37	56%	1
2.	Нохуш ҳолатлардан қочиш	41-48	25%	2
3.	Фаолиятли	1-5	9%	3
4.	Ўз-ўзини ривожлантириш	19-22	4%	4
5.	Билишга оид	27-31	3%	5
6.	Ўз мавқеини белгилаш	38-39	2%	6

7.	Эстетик	10-14	1%	7
----	---------	-------	----	---

Тадқиқотимиз натижалари китобхонлик фаолият мотивацияси структурасида заиф эшитувчи ўқувчилар тор шахсий, кўнгилсизликлардан қочиш ва фаолиятли мотивларини яхши тушунади, деган хулосага келиш имконини беради. Билишга оид, ўз мавқеини белгилаш, эстетик мотивлар кузатилмади. Заиф эшитувчи ўқувчилар томонидан адабий-ижодий фаолият мотивацияси структурасида фаолиятли, кўнгилсизликдан қочиш, ўз-ўзини ривожлантириш мотивлар яхши тушунилди, лекин эстетик, билишга оид, ўз-ўзини белгилаш мотивлар англашилмади (3-жадвалга қаранг):

### 3-жадвал.

#### Адабий таълим жараёнида 1-5 синф заиф эшитувчи ўқувчиларни адабий-ижодий фаолият мотивациялари тизимида турли мотивларнинг мақомига кўра ўрни (n-310)

№	Мотивлар	Кўрсаткич	Кўрсаткичлар сони (%)	Мақомига кўра ўрни
1.	Тор шахсий	34-37	56%	1
2.	Нохуш ҳолатлардан қочиш	41-48	25%	2
3.	Фаолиятли	1-5	9%	3
4.	Ўз-ўзини ривожлантириш	19-22	4%	4
5.	Билишга оид	27-31	3%	5
6.	Ўз мавқеини белгилаш	38-39	2%	6
7.	Эстетик	10-14	1%	7

